

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

М.Исмоилов, З.Кўпайсинова

Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар 6

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов

Индивидларнинг умр қўриш давомийлиги ҳақида 11

В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова

Фаргона водийси қумли даҳалар тупроқлари 14

А.Махсумов, Б.Исмаилов

1-фенил азонафтотол-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши 20

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров

Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши 24

С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев

Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомплексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари 29

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

И.Носиров

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари 33

С.Хусанбоев

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари 40

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ў.Аҳмедова

Таълимнинг ижтимоийлашуvida маънавий тарбия масаласи 44

ТАРИХ

О.Маҳмудов

Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар 47

С.Юлдашев

Фаргона сомоний волийлар бошқаруви даврида 53

А.Атаходжаев

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири 61

И.Гуломов

1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир 67

А.Алоҳунов

Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар 73

В.Абиров

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши 77

Ш.Холикулов

Россия империяси суд-хуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти 84

Ш.Усанов

Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари 89

КИМЁ

УДК: 544.3: 544.4: 620.192.5

**ПЛАСТИКАТ ПОЛИВИНИЛХЛОРИД АСОСИДАГИ ЯНГИ ПОЛИКОМПЛЕКСОННИНГ
ГОВАКЛИК ДАРАЖАСИ ВА СОРБЦИОН ХОССАЛАРИ**

**СТЕПЕНЬ ПОРИСТОСТИ И СОРБЦИОННЫЕ СВОЙСТВА НОВОГО
ПОЛИКОМПЛЕКСОНА НА ОСНОВЕ ПОЛИВИНИЛХЛОРИДНОГО ПЛАСТИКАТА**

**DEGREE OF POROSITY AND ABSORPTION FEATURES OF THE NEW
POLYCOMPLEXON ON THE BASES OF POLYVINYLCHLORID ELASTRON**

Хушвақтов Суюн Юсуп ўғли¹, Файзуллаев Юсуф Сайфуллаевич²,
Жўраев Мурод Махмараҗаб ўғли³, Бекчанов Даөронбек Жумазарович⁴,
Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич⁵

¹Хушвақтов Суюн Юсуп ўғли

– Чирчиқ давлат педагогика институти, илмий ва методологик кимё кафедраси доценти в.б., (PhD).

²Файзуллаев Юсуф Сайфуллаевич

– Ўзбекистон Миллий университети, магистр.

³Жўраев Мурод Махмараҗаб ўғли

– Чирчиқ давлат педагогика институти илмий ва методологик кимё кафедраси мудири в.б., доцент, (PhD).

⁴Бекчанов Даөронбек Жумазарович

– Ўзбекистон Миллий университети, кимё фанлари доктори

⁵Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич

– Ўзбекистон Миллий университети, кимё фанлари доктори, профессор.

Аннотация

Таркибидаги амино ва сульфогурухлар тутган янги поликомплексоннинг говаклик ўлчами моноқават сифими ($X_m, \text{г/г}$), солишишторма юзаси ($S_{sol}, \text{м}^2/\text{г}$), микропоровак қиймати ($W_0, \text{см}^3/\text{г}$), тўйиниш ҳажми (V_s), мезопоровак қиймати (W_{me}) ҳамда тешикларнинг говак радиуси қийматларини аниқлаш мақсадида паст молекуляр моддалар буғларининг сорбцияси ўрганилди. Шунингдек, амфоролитга сунъий эритмалардан Cu^{2+} ионларининг ютилиши кинетикаси тадқиқ қилинди.

Annotation

Пористость нового поликомплексона, содержащего амино- и сульфогруппы, определяется как емкость монослоя ($X_m, \text{г/г}$), удельная поверхность ($S_{sol}, \text{м}^2/\text{г}$), величина микропористости ($W_0, \text{см}^3/\text{г}$), объем насыщения (V_s), величина мезопористости (W_{me}) и сорбция паров низкомолекулярных веществ исследованы с целью определения значений радиуса пористости пор. Изучена также кинетика поглощения ионов Cu^{2+} из искусственных растворов амфоролитом.

Annotation

The porosity of a new polycomplex containing amino and sulfo groups is defined as the capacity of a monolayer ($X_m, \text{g/g}$), specific surface area ($S_{sol}, \text{m}^2/\text{g}$), microporosity ($W_0, \text{cm}^3/\text{g}$), saturation volume (V_s), mesoporosity (W_{me}) and the sorption of vapors of low molecular weight substances were investigated in order to determine the values of the pore radius of porosity. The kinetics of absorption of Cu^{2+} ions from artificial solutions by ampholyte has also been studied.

Таянч сўз ва иборалар: поливинилхлорид пластикат, полиамфоролит, сорбция, ионит, мис иони, кинетика, говаклик даражаси, солишишторма юза.

Ключевые слова и выражения: поливинилхлоридный пластикат, полиамфоролит, сорбция, ионит, ионмеди, кинетика, степень пористости, удельная поверхность.

Keywords and word expressions: polyvinylchloride plastic compound, polyampholyte, sorption, cuprum ion, kinetics, degree of porosity, specific surface area.

Кириш

Бизга маълумки, бутун дунёда аҳоли сони жадал суръатларда ортиб бормоқда. Аҳоли сонининг кескин ортиши йирик саноат корхоналарига бўлган талабнинг ҳам ортишига сабаб бўлади. Инсонлар эҳтиёжларини қондириш ва аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида турли йўналишдаги йирик саноат корхоналари сони охирги ўн йилликда кескин даражада ортиди [1]. Бундай йирик саноат корхоналарида жуда кўп миқдорда оқова сувлардан фойдаланилади. Кўплаб саноат корхоналаридаги оқова сувларда оғир металл ионлари миқдорини назорат қилиш экологиянинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади [2]. Ифлосланган оқова сувлар таркиби анализ қилинади, сўнг мос равишда турли хил моддалар ва ионлардан тозаланади. Атроф-муҳитнинг муҳофазаси учун оғир металл ионларининг оқова сувдаги рухсат этилган энг кам миқдоригача тозалаш учун қўлланиладиган усувлар мавжуд [3].

Одатда оқова сувлар таркибидан металл ионларини ажратиб олишда тескари осмос, нанофильтрация, электродиализ, оксидланиш-қайтарилиш, чүктириш, буғлатиш каби анъанавий усуллардан фойдаланилади, лекин бу усуллар күп энергия талаб қиласы да катта миқдордаги чиқиндилар ҳосил қиласы [4]. Ҳозирда құлланилаёттан концентрациялаш усуллари ўзининг экспрессивлиги, танлаб олиниши ва оддийлиги билан ажралиб туриши керак. Сүнгги йилларда саноат корхоналарыда ҳамда гидрометаллургияда эритма таркибидаги рангли ва қимматбаҳо металл ионларини ажратиб олишда, сувларни түзсизлантиришда ва оқова сувларини захарлы ионлардан тозалаш учун әнг кенг құлланиладиган, иқтисодий жиҳатдан арzon ва самараали бўлган усул ионитлар иштирокида ион алмашиниш усулидир [5]. Шунингдек, саноат миқёсида ишлатиладиган ион алмашинувчи материалларга қўйиладиган талаблар жуда ҳам кўп. Булар қаторида турли хил агрессив муҳитларда (кислота, асосли) чидамлилиги, статик алмашинув қобилиятынинг яхши бўлиши, ғоваклик даражасининг юқориилиги ҳамда сорбцион хоссалари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ион алмашинувчи материалларнинг ғоваклик даражаси ва сорбцион қобилияти әнг муҳим асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади [6]. Шунинг учун саноат миқёсида синтез қилинган ион алмашинувчи сорбентларнинг ғоваклик ўлчамлари сорбцион, симболи парометрия, электронмикроскопия, оптик микроскопия, рентгенография усуллари ёрдамида аниқланиб борилади. Бугунги кунда әнг кенг тарқалган усуллардан бири сорбцион усул бўлиб, қуий молекуляр суюқлик буғнинг турли хил босимларда сорбент томонидан ютилган миқдорини аниқлашга, сорбция ва десорбция изотермаларини тузиб, улар асосида

$S_{\text{сор}}, W_0, r_{\text{ж}}^{\text{ж}}$ ларни ҳамда тақсимланиш дифференциал эгриларини (ТДЭ) ҳисоблашга асосланган. Сорбцияланган буғ миқдорини спиралли жуда сизгир тарозилар (Мак-Беннинг тортиш усули) ёрдамида ёки аввалдан маълум, даражаланган ҳажмда (ҳажмий усул) буғнинг камайиши ўлчанади [7]. Сорбентларнинг ғоваклигига қараб сорбция изотермалари S – симон ёки Г – симон эгрилар қўринишида бўлиши мумкин. Сорбция ва десорбция эгрилари мос келмаслиги мумкин, яъни сорбцион гистерезис ҳолида бўлади.

Сорбентнинг солиширма сиртини ҳисоблаш натижаларида сорбция изотермаси S-симон қўринишида бўлса, сорбентларнинг солиширма сирти $S_{\text{сор}}$ Брунауэр, Эммет ва Теллер томонидан таклиф қилинган тенглама бўйича ҳисобланади (БЭТ усули): [8]

$$\frac{p_1 / p_1^0}{a(1 - p_1 / p_1^0)} = \frac{1}{Ca_m} + \frac{C-1}{Ca_m} \cdot \frac{p_1}{p_1^0}$$

Бунда: p_1 – сорбатнинг сорбент устидаги буғнинг мувозанатли босими;

p_1^0 – ўша ҳароратда сорбатнинг тўйинган буғ босими;

a – сорбцияланган модда концентрацияси, ммоль/г;

a_m – текис мономолекуляр қаватдаги модда концентрацияси, ммоль/г;

C – доимий сон.

Ушбу мақолада таркибида амино ва сульфогурухлари тутган полиамфолитнинг ғоваклик даражаси қуйимолекуляр бирикмалар (бензол буғи) буғларини сорбциялаш орқали ўрганилди. Шунингдек полиамфолитга сунъий эритмалардан Cu^{2+} ионларини сорбция жараёнларининг механизмларига вақтнинг таъсири тадқиқ қилинди.

Материаллар ва методлар

ПВХ асосида олинган полиамфолитга сунъий эритмалардан Cu^{2+} ионларининг сорбцияси ўрганилди. Бунинг учун $\text{Cu}(\text{NO}_3)_2 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ кристаллигидратидан фойдаланиб Cu^{2+} ионларининг 0,25; 0,125; 0,1; 0,075; 0,05; 0,025; 0,0125; 0,01 моль·л⁻¹ концентрацияли эритмалари тайёрланди ва тайёрланган сунъий эритмалардан металл ионларининг сорбция давомийлиги 1, 2, 4, 6, 8, 10 соатларда ўрганилди. Бунинг учун HCl бўйича статик алмашиниш сифими 4,5 мг-эқв г⁻¹, NaOH бўйича 3,5 мг-эқв г⁻¹ бўлган куруқ сорбент 0,3 г дан аналитик тарозида ўлчаб олиниб, ҳажми 250 мл бўлган конуссимон колбаларга солинди ва 100 мл дан туз эритмалари қўйилди. Сорбциядан олдинги ва кейинги эритмалардаги металл ионларининг концентрация ўзгариши Спектрофотометр (*Mikroplanshet rider Perkin Elmer*) (АҚШ) ёрдамида аниқланди (Cu^{2+} учун 760 нм тўлқин узунлиқда) [9].

Сорбентга ютилган металл иони миқдори қуийдаги тенглама орқали ҳисоблаб чиқилган.


КИМЁ

$$q_e = \frac{(C_0 - C_p)}{m} \times V$$

Бунда: q_e – ионитга ютилган металл иони миқдори моль/г, C_0 – металл ионларининг дастлабки концентрация моль/л, C_p – металл ионларининг мувозанат концентрацияси моль/л; V – эритма ҳажми л; m – қуруқ сорбент массаси(г) [10, 11].

Натижалар ва уларнинг таҳлили Полиамфолитнинг ғоваклик ва сорбцион хоссаларини ўрганиш


Тажрибада ҳисобланган Cu^{2+} ионларининг ПВХ асосидаги полиамфолитга сорбцияланиш жараёни кинетикаси 1 - расмда, $\log(q_e - q_t)$ ва t вақтга нисбатан тузилган графикдан псевдо биринчи тартибли кинетик параметрларини топиш орқали ҳисобланди. Шунингдек, Cu^{2+} ионларининг полиамфолитга сорбцияланиш жараёни кинетикаси t/q_e ва t вақтга нисбатан тузилган графикдан псевдо иккинчи тартибли кинетик параметрларини топиш орқали баҳоланди.



1 - расм. ПВХ асосидаги полиамфолитга Cu^{2+} ионлари сорбциясининг псевдо- биринчи (а) ва псевдо-иккинчи (б) тартибли кинетик модели.

ПВХ асосидаги полиамфолитга Cu^{2+} ионларининг сорбцияланиш жараёни кинетикаси юқорида келтирилган 1 - расмдан фойдаланиб топилган тезлик константалари (k_1 ва k_2) ва корреляция коэффициентлари ҳисоблаб топилди.

Саноат миқёсида ишлатиладиган ионалмашинувчи материалларнинг ғоваклиги миқдорий жиҳатдан қатор параметрлар: моноқават сифими (X_m , г/г), солиштирма юзаси (S_{sol} , м²/г), микроғовак қиймати (W_0 , см³/г), тўйиниш ҳажми (V_s), мезоғовак қиймати (W_{me}) ҳамда полимерларнинг ғовак радиуси қийматлари (r_k , А₀) ёрдамида тавсифланади. Айни ишда полимерларга бензол буғларини ҳар хил босимда сорбция қийматларини ҳисоблаш усулидан фойдаланилди. Сорбцияланган буғ миқдорини спиралли жуда сезгир тарозилар (Мак Беннинг тортиш усули) ёрдамида ҳамда аввалги маълум даражаланган ҳажмда (ҳажмий усуул) буғнинг камайиши ўлчанди. Олинган натижалар қуйида берилган график усуулларда аниқланди.



2 – расм. Бензол буғининг ПВХ, ПВХ – SO_3H , ПВХ – $(\text{SO}_3\text{H})(\text{NH})$ ларга сорбцияси

Ушбу 2 - расмда ПВХ ҳамда ПВХ асосидаги ионитлар учун бензол буғининг сорбция изотермасига асосланиб, Брунауэр, Эммет, Теллер томонидан таклиф қилинган тенглама ёрдамида полимер материаллар ғоваклар параметрлари ҳисоблаб топилган (БЭТ усуул).

Олинган натижалар асосида барча намуналарнинг ғоваклик даражаси қийматлари 1 - жадвалда келтирилган.

1 - жадвал

Полимер намуналарнинг капилляр ғоваклик тузилиши ва уларнинг сорбцион хоссалари

Намуналар	№ 1 ПВХ	№ 2 Экстракция қилинган ПВХ	№ 3 ПВХ – SO ₃ H	№ 4 ПВХ – (SO ₃ H) (NH)
X _m , г/г	0,031	0,041	0,0470	0,048
S _{sol} , м ² /г	7,530	9,860	11,390	11,56
W ₀ , см ³ /г	0,013	0,033	0,0132	0,012
V _s	0,017	0,147	0,0146	0,016
W _{me}	0,001	0,100	0,0090	0,0099
r _k , A ₀	44,80	278,3	25,700	27,000
r _k , НМ	4,480	27,83	2,5700	2,7000

Юқорида келтирилган 1-жадвалдаги маълумотларга асосланиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, ПВХ дан ПВХ асосида олинган полимер материаллар (ПВХ, экстракцияланган ПВХ, ПВХ асосидаги сульфокатионит, ПВХ асосидаги полиамфолит) нинг ғоваклик ўлчами моноқават сифими (X_m , г/г), солиштирма юзаси (S_{sol} , м²/г), микроовак қиймати (W_0 , см³/г), тўйиниш ҳажми (V_s), мезоговак қиймати (W_{me}) ҳамда тешикларнинг ғовак радиуси қийматлари (r_k , A₀) мос равища үзгариб бормоқда. Шунингдек, полимер материалларда солиштирма юза (S_{sol} , м²/г) мос равища ПВХ 7,53 м²/г, ПВХ экстракция 9,86 м²/г, ПВХ – (SO₃H) 11,39 м²/г ва ПВХ – (SO₃H) (NH) 11,56 м²/г га тенг бундай кўриниши ПВХ ни модификациялаш натижасида дастлабки полимерда мавжуд макроговаклар модификациялаб тикилиш натижасида микро ўлчамли ғовакларга эга бўлиши орқали олинган полиамфолит таркибидаги ғоваклар солиштирма юзаси дастлабки полимерга нисбатан ошганини кўрсатади. Бу эса таркибида амино ва сульфогурухлари тутган полиамфолит саноат миёсида оқова сувлар таркибидан турли оралиқ металл ионларини ажратиб олиш учун самарали қўллаш имконини беради.

Адабиётлар:

- Зейналов Р.З., Татаева С.Д., Атаева Н.И. Концентрирование и определение меди, цинка и кадмия хелатообразующим модифицированным сорбентом // Аналитика и контроль. 2013. Т. 17. № 1.
- Золотов Ю.А., Цизин Г.И., Дмитриенко С.Г., Моросанова Е.И. Сорбционное концентрирование микрокомпонентов из растворов. Применение в неорганическом анализе. – М.: Наука, 2010.
- Castro L., Blázquez M. L., González F., Muñoz J.A., Ballester A. Heavy metal adsorption using biogenic iron compounds. *Hydrometallurgy*. 2018. Vol.179, P.
- Басаргин Н.Н., Оскотская Э.Р., Чеброва А.В. Сорбция цинка полимерными хелатообразующими сорбентами и ее применение в анализе природных вод / Розовский // Журн. анализ. химии. 2008. Т. 63. № 3.
- Mukhamediev M.G., Bekchanov D.Z. New Anion Exchanger Based on Polyvinyl Chloride and Its Application in Industrial Water Treatment. RussJ Appl Chem 92, 1499–1505 (2019). <https://doi.org/10.1134/S1070427219110053>.
- Aimukhanov A.K., Rozhkova X.S., Ilyassov B.R., Zeinidenov A.K., Nuraje N. The influence of structural and charge transport properties of PEDOT:PSS layers on the photovoltaic properties of polymersolar cells. Polym Adv Technol. 2020; 1–8. <https://doi.org/10.1002/pat.5102>.
- Clifford D.A. Ion Exchange and Inorganic Adsorption. Water Quality and Treatment: A Handbook of Community Water Supplies (5th ed.), American Water Works Association, McGraw-Hill, New York, 2016.
- Бобоев Т.М., Рахимов Ҳ.Р. "Физикавий ва коллоид кимё", Тошкент-2004. 501-саҳифа.
- Rengaraj S., Yeon J.W., Kim Y., Yongju J., Ha Y.-K., Kim W.-H: Adsorption characteristics of Cu(II) onto ion exchange resins 252H and 1500H: Kinetics, isotherms and error analysis, Journal of Hazardous Materials, 2007, 143(1–2), 469-477;
- Bogdan Bandrabur, Ramona-Elena Tătaru-Fărămuş, Liliana Lazăr, Laura Bulgariu, Gheorghe Gutt. Use of strong acid resin Purolite C100E Forremoving permanent hardness of water – factors affecting cationic exchange capacity Scientific Study & Research. 2012, 13 (3), pp 295 – 304.
- Хушвақтов С.Ю., Жўраев М.М., Бекчанов Д.Ж., Мухамедиев М.Г. Поливинилхlorид асосидаги азот ва олтингурут тутган поликомплексонга оралиқ металл ионларининг сорбцияси. O'zbekiston kimyo jurnalı, 2020, №4, 36-45 б. (02.00.00., №6).